

БАРЧА УЧУН УЙ-ЖОЙ: ХАВФСИЗ ВА БАРҚАРОР ШАҲАРЛАР ҲАМДА ҲАМЖАМИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури шафелигида Боку шаҳрида ўтказилаётган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси очилиш маросимида иштирок этди.

Пойтахтнинг Конгресс-марказида давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳамда БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури ижрочи директори Анаклаудия Россбах кутлади.

Иштирокчиларнинг биргаликда сурагга тушиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясидаги иштирокига доир тафсилотлар билан батафсил танишинг.

Бу галги форумнинг мавзуси – «Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда ҳамжамиятлар». Унда давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ҳамда ривожланиш институтлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Форум кун тартибидан шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳолини замонавий ва арзон уй-жой билан таъминлаш, шаҳар муҳити сифатини ошириш, иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда уй-жойни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Президенти форум доирасидаги Етакчилар саммитида нутқ сўзлади.

XIII BUTUNJAHON URBANIZATSIYA FORUMI

WORLD
URBAN
FORUM
THIRTEENTH SESSION



17-18-MAY,
BOKU SHAHRI



Ифтихор

КАСАБА УЮШМАСИ СПОРТЧИСИ ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Германиянинг Бранденбург шаҳри шу кунларда жаҳоннинг энг кучли эштак эшувчиларини бир майдонга жамлади. Сув сатҳидаги ҳар бир сония, ҳар бир ҳаракат ва ҳар бир зарба катта ғалаба тақдирини ҳал қилаётган эштак эшиш ва каноэда эштак эшиш бўйича Жаҳон кубоги баҳслари нафақат мухлислар, балки мутахассислар диққат марказида ҳам турибди. Шундай кескин ва мурасасиз рақобатлар ичида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган спортчилардан бири Артур Гулиев бўлди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси спортчиси 200 метр масофага каноэ йўналишида барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медални қўлга киритди. Финал баҳсида у юқори тезлик ва ажойиб тайёргарлигини намойиш этиб, 38.44 сониялик натижани қайд этди. Бу билан халқаро майдонда ўзбекистонлик эштак эшувчиларнинг салоҳияти тобора ошиб бораётганини ҳам яна бир бор исботлади.

Қизгин кечган баҳсларда испаниялик Пабло Грана 38.63 сония билан иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи натижа эса россиялик Сергей Свинарев ҳисобига ёзилди – 39.09 сония.

Мазкур Жаҳон кубоги босқичи спортчилар учун медаллар олишдан ташқари халқаро рейтинг очколари йиғиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки айнан шу муСОБАҚАЛАР ОРҚАЛИ СПОРТЧИЛАР 2028 ЙИЛГИ ЎЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНАЛЛАРИ ҲАМДА 2028 ЙИЛГИ ЎЗГИ ПАРАЛИМПИАДА ЎЙИНАЛЛАРИ УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР.

Артур Гулиевнинг ушбу ғалабаси юртимизда сув спорти турларига бўлган эътибор ва тайёргарлик тизими самараси тобора юксалиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

«Ishonch»нинг телеграм каналига ўтинг ва Артур Гулиевнинг ғолиблик учун кураш лаҳзалари акс этган видеоларга билан танишинг:



Ўзбекистон
касаба
уюшмалари
Федерациясида
куну тун фаолият
кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч
телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар ўз
муаммолари бўйича
исталган вақтда
мурожаат
қилишлари мумкин.



«Жиззах адиблари»:
архивлардан
чиққан хазина

Китоб тақдимоти билан батафсил
маълумот олиш учун «Ishonch»нинг
телеграм каналига ўтинг:



Бўстонликдаги
«Қуёштепа» ҳақида
биласизми?

Ушбу саволга батафсил жавоб олиш учун
«Ishonch»нинг телеграм каналига ўтинг:



Халқаро конференция

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ ПАРАДИГМАСИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА
«МАРКАЗИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ
ПАРАДИГМАСИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги Дипломатия академияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Марказий Осиё ва Озарбайжон дипломатия академиялари раҳбарлари, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази вакиллари, Финляндия халқаро муносабатлар институти, дипломатик корпус, фуқаролик жамияти ҳамда халқаро муносабатлар соҳасидаги маҳаллий ва хорижий экспертлар қатнашди. Уларга БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, РЦПДЦА раҳбари Каха Имандазе онлайн мурожаат қилди. Шунингдек, ялпи мажлис ва муҳокамада Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содиқ Сафоев, Президентнинг ташқи сиёсат масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари, Марказий Осиё халқаро институти директори Жавлон Ваҳобов, Тур-

кия маданият ва туризм вазири ўринбосари Сердар Чам ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Минтақада ўзаро ишонч, манфаатдорлик, очик мулоқот ва жамоавий масъулият тамойилларига асосланган ҳамкорлик модели шаклланиб бораётгани қайд қилинди. Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари халқаро муносабатларда фақат иштирокчи эмас, минтақавий ташаббусларни илгари суришда фаол ташаббускор сифатида ҳам намойиш бўлаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари алоҳида эътироф этилди.

Конференцияда транспорт боғлиқлиги, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, энергетик ҳамкорлик ва барқарор логистика йўналишлари масалалари ҳам муҳокамага қўйилди. Шунингдек, иқлим ўзгариши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, киберхавфсизлик ва гуманитар барқарорлик каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бибигул МУРТАЗАЕВА
«ISHONCH»



ҒОЯЛАР БЕЛЛАШУВИ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларнинг касбий маҳоратини ва билим даражасини ошириш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловини ташкил этди.

Унинг ҳудудий босқичида 200 нафар ёш ходим қатнашди ва ўзлари ишлаётган ташкилот-корхонадаги вазифаларидан келиб чиқиб, маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Мусобақанинг республика босқичида иштирокчилар «Энг фаол ёш қурувчи» ҳамда «Энг фаол ёш транспортчи» номинацияси бўйича ўзаро беллашди. Шу жараёнда, жинсга ҳисобланган мутахассис Жаҳонгир Абдурахмоновнинг шахарсозликдаги муаммоларни ҳал этиш, инфратузилмани яхшилаш

ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган «Эко-шаҳарча» лойиҳаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Унда 12 гектар майдонда тураржой мажмуалари, савдо павильонлари, ресторанлар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасаси қурилиши қўзда тутилган. Бинолар томига қуёш панелларини ўрнатиш орқали электр энергиясини тежаш ва ресурслардан самарали фойдаланиш мақсад қилинган. Шунингдек, лойиҳа тирбандликларни камайитириш, иш ўринларини яратиш ҳамда савдо инфратузилмасини тартибли шаклда ташкил этишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Танлов ғолиблари кенгашнинг эсдалик совғалари ҳамда махсус дипломи билан тақдирландилар.

Феруза РАХИМОВА,
Кўвонч Тўраев (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

ЭҲТИРОМ ВА ДИЙДОР

Учрашув

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Бўстон санаторийси»да Хотира ва кадрлар кўни муносабати билан тадбир ташкил этилди. Унда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

Улар ўз фаолиятлари, бирга ишлаган касбдошлари ҳақида мароқ билан суҳбатлашдилар, ўтганлар хотирасини ҳурмат билан эсладилар. Ўз навбатида, ҳозирги кунда уларнинг ишини давом эттириб келаётган издошларига, ёшларга қимматли маслаҳатлар бердилар. Шунингдек, муассасада янги қурилган ошхона, замонавий даволаш бўлими бинолари, амфитеатр, фавворалар, иссиқхоналар билан танишиб, хурсанд бўлдилар.

Дийдорлашув байрам дастурхони атрофида давом этди. Дийдорлар қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди. Учрашув сўнгида меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди.

Шахло КАРИМОВА,
«Бўстон санаторийси»
МЧЖ Маврифат
бўлими бошлиғи



Мозийу мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам.

Алишер Навоий

Эътибор

МЕҲНАТ ҚИЛГАН РОҲАТ КЎРАДИ



Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган 27 нафар тиббиёт ходимида дам олишлари ва соғлигини тиклашлари учун «Кўхнур» ва «Умид гулшани» санаторийларига бепул йўлланмалар топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда кенгаш раиси Сайёра Файзиева ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси Зиёдулла Отахўжаев, шунингдек, тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

– Март ойида ҳам 13 нафар тиббиёт ходимида санаторийларга йўлланмалар топширилган эди, – деди З.Отахўжаев. – Бу ходимларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш ва умумий ҳаёт сифатини оширишда муҳим омил ҳисобланади ва меҳнат фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда инсон қадрини улуғлаш, айниқса, ишчи-ходимларга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганини таъкидладилар.

Дарвоқе, йил охирига қадар 84 нафар тиббиёт ходимини санаторийларда босқичма-босқич бепул соғломлаштириш режалаштирилган.

Умид МИРЗАЖОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Тошкент вилояти
кенгаши Ижтимоий суеурта
бўлими мудири

Давра суҳбати

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲИМОЯСИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши, Оила ва хотин-қизлар, Адлия бошқармалари ҳамда Ички ишлар органлари ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этди.

«Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси – жамият равнақининг муҳим омили» мавзусидаги мазкур тадбирда соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этишди. Уларга мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилди.

– Сўнгги йилларда хотин-қизларни ҳимоя қилиш соҳасида тўб бурилиш ясалди, – деди давра суҳбатида сўзга чиққан кенгаш раиси Назира Тоғаева. – Энг муҳими, оилавий зўравонликка нисбатан муносабат бутунлай ўзгарди. 2023 йилдан бошлаб бу каби ҳолатлар учун жиноий жавобгарлик белгилангани, унинг «оилавий муаммо» эмас, балки ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланаётгани катта аҳамиятга эга.

Тадбирда мутахассислар томонидан хотин-қизларга нисбатан таъиқ ва зўравонликларнинг сабаблари ҳам чуқур таҳлил қилинди.

Бундай ҳолатлар келиб чиқишига оилада тарбия ва маънавиятга етарлича эътибор берилмаслиги, ишсизлик, иқтисодий қийинчиликлар ва ижтимоий муаммолар таъсир кўрсатиши қайд этилди. Шу нуқтаи назардан, профилактика ишларини кучайтириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, айниқса, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида иштирокчилар гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, меҳнат жамоаларида соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирдилар.

Диляфрўз ЎРОЗОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Навоий вилояти кенгаши
раисининг ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси

Арносайда «Йилнинг энг яхши тарбиячиси – 2026» кўрик-танловининг туман босқичи юқори савияда ташкил этилди. Унда давлат ва оилавий мактабгача таълим ташкилотлари директор ўринбосарлари ҳамда тарбиячиларининг билим ва малакалари тест, илғор педагогик технологияларни қўллашга оид тақдимот, шунингдек, муайян мавзуда очик дарс ўтиш асосида синовдан ўтказилди.

ФАОЛИЯТ КУЧЛИЛАР УЧУН СИНОВ

Тадбирда Дилбар Собирова, Хуршида Мирзақуллова, Муҳайё Қўчқорова, Барно Турғунова, Шоҳсанам Мирзаева, Дилдора Жавқанова турли номинациялар бўйича биринчи ўринларни қўлга киритишди.

Ҳолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди. Энди улар кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашадилар.

Отаниёз МУСТАФОВЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси Арносай тумани кенгаши раиси

КУБОК СЎХЛИК УСТОЗЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

«Само» спорт мажмуасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида «Касаба уюшмалари кубоги» учун спорт мусобақаси ўтказилди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида саралаш босқичларида ҳолибликни қўлга киритган 200 нафардан ортиқ таълим ходимлари волейбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича ўзаро куч синашдилар.

Шу жараёнда нафақат жисмоний тайёргарлик, балки ирода ва жамоавий ҳамжиҳатлик бора-сида ҳам ўзларини намояндалар этдилар. Айниқса, Сўх тумани жамоаси мусобақа давомида юқори маҳорат, пухта тайёргарлик ва аҳиллик намунасини кўрсатиб, устунликка эришди.

Қизгин ва мурасасиз кечган бахслар якунига кўра, сўхлик устозлар мусобақанинг мутлақ ҳолиб сифатида «Касаба уюшмалари кубоги»ни қўлга киритдилар.

– Аввало, шундай нуфузли турнирни юқори савияда ташкил этган вилоят касаба уюшмаларидан миннатдормиз, –

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хонқа тумани ҳокимлигида тизимдаги фермер хўжаликлари ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирокида семинар ташкил этди. Унда Хоразм вилоятининг туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган касаба уюшмалари кўмиталари ходимлари қатнашдилар. Энг аввало, Хонқа тумани ҳокими Улугбек Давлатов сўзга чиқиб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, қишлоқ хўжалиги соҳасида муносиб меҳнат шароитларини яратишда касаба уюшмаларининг ўрни муҳимлигини таъкидлади.

ДЕҲҚОН УЧУН ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИМИ?



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева эса Федерация томонидан меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Хусан Бегматов «Янги

Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» мавзусида тақдимот қилиб, соҳада эришилган натижалар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар ҳақида маълумот берди.

Иштирокчилар Томадургадих ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишиб, дала шийпонларида ишчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирдилар. Тадбир якунида

иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Таъкидлаш жоизки, буғунги кунда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хонқа тумани кенгаши ўз сафига 15 минг 164 нафар аъзони бирлаштирувчи 42 та бошланғич ташкилотдан ташкил топган. Томадургадих ҳудудий касаба уюшмаси кўмитаси эса 996 нафар аъзонинг бошини бирлаштирган. Унга аъзо фермер хўжаликларининг 15 таси пахта-ғалла етиштирса, 10 таси чорвачиликка ихтисослаштирилган. Бир фермер хўжалиги балиқчилик билан шугулланади.

Бошланғич ташкилот раиси Ойбек Аҳмедов иш берувчилар билан бирга, меҳнаткашлар учун муносиб иш шароитлари яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини биносидан бошланғич ташкилотга хона ажратилгани ва талаб даражасида жиҳозлангани аъзолар учун аниқ муддао бўлди. Улар бу ерга келиб, касабакўмга мурожаат қилишлари, дам олишлари, китоб, газета-журналлар ўқишлари мумкин.

Ҳудуддаги барча фермер хўжаликларида дала шийпонлари бор. Уларда ҳам деҳқонлар мароқли дам олишлари учун зарур шароитлар яратилган. Вилоятимиздаги 103 та ҳудудий бошланғич ташкилотнинг барчасида аъзоларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чоралари қўрилмоқда.

Шавкат САФАРБОВЕВ,
Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг
Хоразм вилояти бўйича
масъул ташкилотчиси

Ўқув

ТАЖРИБА, МУЛОҚОТ ВА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашида тизимдаги фермер хўжаликлари ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари учун ўқув-семинар уюштириди. Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Бойниязов ва бўлим мудири Асхад Мусулмонов меҳнат муносабатлари, жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий шериклини мустаҳкамлашга оид мавзулар бўйича атрофлича тушунчалар бердилар.

Семинарнинг иккинчи қисмида иштирокчилар Наманган туманидаги «Миршкор Жобир Сардор» фермер хўжалиги дала шийпонидан ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг фаолияти, ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар, меҳнат жамоаларида ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Ўзаро тажриба алмашиб, ишчи-ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ташаббуслар ҳусусида фикр-мулохазалар билдирдилар.

– Бундай амалий мулоқотлар тизимдаги муаммоларни жойида ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Косонсой тумани

кенгаши раиси Василахон Матмусаева. – Айниқса, жамоа шартномаларини тўғри юриштириш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича берилган тавсиялар келгуси фаолиятимизда асқатади. Энг муҳими, турли ҳудудлардан келган ҳамкасблар билан фикр алмашиб, янги ташаббуслар устида ўйлаш имконига эга бўлдик.

Тадбир якунида жойлардаги бошланғич ташкилотлар ишини қўллаб-қувватлаш ва ходимлар манфаатини ишончли ҳимоя қилиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Алишер ЖАВҲАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгашининг Наманган вилоятидаги
масъул ташкилотчиси

Мусобақа



Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Ҳуқуқ

Андижонда хизмат ва-
зифасини бажараётган
пайтда ҳалок бўлган ёш
йигитнинг оиласига те-
гишли товон пулини унди-
риш масаласи узоқ вақт
эътибордан четда қолди.
Ҳолатни касаба уюшмаси
назоратга олганч, адолат
қарор топди.

ҲАҚ ОЛИНУР...

Гап шундаки, 2024 йил 25 октябрь куни Олтинқўл туманида «Худудий электр тармоқлари» АЖ электромонтёри – Раҳматилло Ғиёсиддинов иш чоғида бахтсиз ҳодисага учради. Шифокорлар ҳарчанд уринмасинлар, унинг ҳаётини сақлаб қол-
лиш имкони бўлмади.

Амалдаги қонунчи-
ликка кўра, иш берувчи
марҳумнинг оила аъзо-
ларига товон пули тўлаб
бериши керак эди. Аммо
бу иш ўз вақтида амалга
оширилмади. Энергетика,
нефть-газ ва геология хо-
димлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши маса-
лага аралашиб, «Худудий
электр тармоқлари» АЖга
кўрсатма хати юборди.
Натижа бўлмагач, иш
судга оширилди. Суд даъ-
вони қисман қаноатлан-
тириб, иш берувчи зим-
масига катта миқдорда
товон пули тўлаш маж-
буриятини юкледи. Хусу-
сан, иш берувчи ҳисоби-
дан марҳумнинг оиласига
536 миллион сўмдан ор-
тиқ бир марталик нафақа,
28 миллион сўмдан зиёд
тўланмаган ойлик тўлов-
лар, 70 миллион сўм ком-
пенсация ва 8 миллион
сўм маънавий зарар пули
ундириш белгиланди.

Афсуски, бу билан ма-
сала ижобий ҳал бўлмади,
яъни суд қарори ижроси
таъминланмади. Касаба
уюшмаси ушбу жараёни
ҳам назоратга олиб, те-
гишли идораларга муро-
жаат қилди. Натижада
жами 642 миллион сўм
маблағ тўлиқ ундирилиб,
марҳумнинг оила аъзола-
рига топширилди.

Бобурмирзо
АБДУЛЛАЕВ,
Энергетика, нефть-газ
ва геология ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгашининг
Меҳнат инспекцияси
бошлиги ўринбосари –
бош меҳнат ҳуқуқ
инспектори

Жамиятда инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини оширувчи ҳар қандай кашфиёт инсонга қувонч эмас, қайғу келтиради.

Лев Толстой

Оғриқ тишлар

Мамлакатимизда автомобиллар сони кун сайин ортиб бораётгани халқимиз иқтисодий даражаси юксалаётганидан дарақдир. Буни ҳар бир йўловчи англайди. Шундай кезларда эса халқимизнинг «Бирни кўриб — фикр қил, бирни кўриб — шукур қил», деган пурмаъно ҳикмати ёдга тушади.

БИР ЙЎЛНИНГ ИККИ МАНЗАРАСИ

Назаримда, машиналар кўпайгач, йўлларимиз талаб даражасида эмаслиги яққол сезилиб қолаётгандек...

Тўғри, бизда ҳам юқори тезликда ҳаракатланса бўладиган трассалар қурилиши ҳақида хушхабарлар эшитиб турибмиз. Аммо бугун ҳал этилиши зарур бўлган бошқа муҳим масалалар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Фориш – Нурота» автойўлидаги ҳолатни олайик. Табиати, шароити деярли бир хил бўлган икки тумандаги автойўл турлича. Нурота худудига қарашли қисмига ҳеч қандай эътироз йўқ, кафтдек текис ва равон йўлда ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам роҳат билан ўз манзилига етади. Лекин ушбу тумanning Форишга чегарадош Сентоб қишлоғидан ўтгач, бутунлай тескари ҳолатга гувоҳ бўласиз. Анча йиллардан буён унда сезиларли ўзгариш кузатилмаяпти. Ваҳоланки, бу йўлдан фақат нуроталиклар фойдаланмайди. Навойй, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистондан келувчи автоуловлар, шунингдек, Конимех, Томди, Учқудук, Зарафшон шаҳар ва туманларига қатновчи Қозоғистон машиналари ҳам шу трассадан юради. Негаки, транспорт оқими нисбатан сийрак, тирбандлик деярли учрамайди. Шунингдек, Форишдан Можирумгача бўлган худуддаги ўнлаб қишлоқлар аҳолисining бозор-ўчари, келди-кетдиси, турли эҳтиёжлари шу йўл билан бевосита боғлиқ.

«Иссиқ жоннинг иситмаси бор», дейишади. Зарур пайтда бемор шу йўлдан тиббиёт маъсасасига олиб борилишини тасаввур қилиб кўринг...

Шу йил апрель ойида Нуротада бўлиб, «Нурота – Навойй», «Нурота – Ғозғон», «Нурота – Чашма», «Нурота – Қизилча», «Нурота – Темирқовуқ» йўлларида юридик. «Нуқсони бор», деб айтишга тил бормайди. Аммо ана шу сифат ва манзарани, ҳатто, «Фориш – Жиззах» йўлида ҳам кўрмадик.

Бир неча йил муқаддам Тошкент йўлидан қайрилиб, Жиззах шаҳрига кирмасдан Форишга элтувчи йўлдан ўтганимизда «Йўл азоби – гўр азоби», деган нақлнинг маъносини чуқур ҳис қилгандик.

Суюндик
Мустафо НУРОТОЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

Ўқитувчини мажбурий меҳнатдан озод қилдик, маошини оширдик. Аммо бугун синхоналарга кирсангиз, уларда ҳамон нимадир етишмаётганини ҳис қиласиз.

Ҳозирги ўқитувчилар энди далада жисмоний меҳнат билан эмас, балки рақамли майдон ва ҳисоботбозлик уммонида занжирбанд. Ҳар хил шиорлар остида ўтказилаётган спорт мусобақалари, турфа маънавий тадбирлар устозларнинг жисмоний-маънавий қувватини ошираётгандир, лекин уларнинг кўзларида чарчоқ устувор.

Қизиқ, сифатли замонавий таълим деганда биз фақат рейтинглар ва электрон журналлардаги рақамларни тушунмаяпмизми? Ўқитувчининг бор диққат-эътибори телефондаги платформани тўлдиришга қаратилган бир пайтда, боланинг қалбидagi саволларга ким жавоб беради? Ҳақиқатан ҳам, сифатни оширапмизми ёки шунчаки муаммолар устига ялтироқ қоғоз ўрапмизми?

Ўқитувчиларнинг иш столига бир назар солинг, унда китоб ва дафтар эмас – смартфон ёки ноутбук турганига гувоҳ бўласиз.

Тўғри, таълимни рақамлаштириш орқали тизимни шаффофлаштироқчи ва муаллимларнинг юқини енгиллаштироқчи эдик. Бироқ реал ҳолат бунинг мутлақо аксини кўрсатмоқда. Электрон журнал, онлайн платформалар ва турли мониторинг тизимлари уларни таълимдан виртуал ҳисобот томон суриб қўйгандек...

Дарс жараёнини тасаввур қилиб кўринг. Ўқитувчи мавзуни тушунтириш, боланинг иктидорини пайкаш ва у билан индивидуал ишлаш ўрнига қўлидаги телефонга термулйб, давомаат қилиш, қўйилган баҳоалари, базага киритиш билан овора. Бундай пайтда интернет панд берса ёки тизим ишламай қолса, томошани кўраверасиз. Ҳозирги тизим учун бола нима ўрганаётгани эмас, балки дарсда ўтириши, ўзини тутиши муҳимроқдек...

Рақамли ислохотларнинг моҳияти билим сифатини оширишдан иборат бўлиши керак эди. Лекин ҳозирча биз фақат рақамлар ортидан қувиш ва ҳисобот учун ҳисобот бериш босқичида тўхтаб қолгандекмиз. Энг ачинарлиси, бу жараён ўқитувчининг вақтини тежаш ўрнига, шахсий ва дам олиш вақтини ҳам ўғирламоқда. Кечкурун оила даврасида бўлиши керак бўлган педагог қайсидир платформадаги хатоларни тўғрилаш, гуруҳлардаги сўровномаларга жавоб бериш билан овора. Уйда ҳам шу аҳвол. Тур-

Яқинда бир воқеа қўлогимга чалинди. 4-синф ўқувчиси Баҳодир (исми ўзгартрилган) охириги пайтларда мактабдан безиб қолган. Уйдагилари ҳайрон. Бола дарс қилмайди, китобларни кўрса, энсаси қотади. Ота-онаси эса «Эркалик қиялпти, танткилиги тутяпти ёки шунчаки дангаса», деган хулосада.

Аслида-чи? Мактабдаги навбатдаги тиббий кўрик ҳаммасини фoш қилди. Боланинг кўзи анча хиралашиб қолган экан! У доскадаги ҳарфларни кўрмайди, улар бир-бирига қўшилиб кетади. Ўқишни хохламагани учун эмас, кўрмагани учун китобларни ёпган.

Биз боламизнинг қалбига эмас, фақат баҳоаларига қарайдиган бўлиб қолдикми? Келинг, бу оғриқли саволга ҳар ким ўзи жавоб бериб кўрсин. Айтмоқчи бўлганимиз, тиббий кўрик шунчаки қоғозбозлик эмас, боламизнинг бизга айтолмайдиган «дарди»ни топиб берадиган ойна.

«Менинг боламда гижжа йўқ!»

Яна бир мавзу – «паразитлар». Кўпчилик ота-оналар «Гижжа борми-йўқми?» деган сўровга худди ҳақорат эшитгандек муносабатда бўлишади. «Биз тозамиз, болам озода!» деймиз кеккайиб. Лекин юракни ҳовучлаб айтийлик, болангиз мактабда, кўчада, ўртоқлари билан қўл бериб кўришади, мева ейди... Бу ерда уяладиган ҳеч нарса йўқ. Уялиш керак бўлган нарса — болангизнинг ичидаги «меҳмонлар» унинг иммунитетини еб битираётгани, уни нимжон ва асабий қилиб қўяётганидир. Тиббий кўриқдаги оддийгина таҳлил болангизнинг тинч ухлаши ва соғлом ўсиши учун берилган имконият!

«Вақтим йўқ...»

Бу жумла бугунги ота-оналарнинг энг севимли баҳонасига айланди. Иш, рўзгор, тиркичилик, тушунарли. Аммо гап фарзандингизнинг эртанги куни, кўзининг нури ёки юрагининг уриши ҳақида кетганда-чи?

Давлатимиз томонидан ҳар йили миллионлаб маблағ сарфланиб, шифокорлар гуруҳи мактаб оstonасига ҳа бораётгани бежиз эмас. Бу – шунчаки режани бажариш учун ўтказилаётган тадбир эмас, болангизнинг соғлигини ҳимоя қилувчи бепул ва қулай «филтър»дир.

Японияда агар боланинг тишида муаммо бўлса, бу ота-онанинг масъулиятсизлиги деб баҳоланади ва уйига расмий огоҳлантириш хати юборилади. Финляндияда эса шифокор ота-она билан соатлаб «Болангиз нима еяпти?» деган мавзуда суҳбатлашади. Чунки улар тушунишади: касаллиқни даволашдан кўра, олдини олиш минг карра арзон ва хавфсиз!

Тасаввур қилинг, сиз тор мутахассис –

МАКТАБДАГИ ТИББИЙ КЎРИК

«Мажбурият»ми ёки «дахмаза»



кардиолог ёки окулист қабулига бориш учун неча кун навбат қутасиз? Қанча йўл босасиз? Мактаб худудидagi тиббий кўрик эса ўша «қимматли» мутахассисларни болангизнинг ёнига олиб келди. Лекин, афсуски, кўпчилик ота-оналар бунга «мажбурият» ёки «дахмаза» деб қарашда давом этмоқда. «Ҳеч қарери огримаяпти-ку», «Ўтган йили ҳам текширишганди», «Турли таҳлиллар топширишга вақтим йўқ» деб, текширувларни пайсалга солиш шунчаки бефарқлик эмас, фарзанд келажагига таваккал қилишдир.

Тиббиётда «олтин соат» деган тушунча бор. Кўпгина касалликлар илк босқичида ҳеч қандай оғриқ бермайди. Бугун партада нотўғри ўтирган боланинг умуртқасидаги кичик оғишни мактаб шифокори кўради. Сиз эса буни боланинг бўйи чўзилганда, яъни даволаш қийин бўлган босқичда пайқайсиз. Бола «кўрмаяпман» демайди, шунчаки ўқишдан совийди. Сиз «эркалик» деб ўйлаган тез чарчаш – аслида жиддийроқ муаммонинг белгиси бўлиши мумкин.

Бунинг учун эса ҳозирги кичик кўрикларга бефарқ бўлманг. Шифокорнинг «Тор

мутахассис кўриги зарур» ёки «Қўшимча таҳлил топшириш керак», деган тавсияси ҳукм эмас, огоҳлантириш. Буни эртага, индинга ёки «кейинги сафар»га қолдиришга ҳақимиз йўқ. «Кейинроқ борармиз», «Ҳозир пулим йўқ эди», «Шу сафар тура турсин»... Бу баҳоалар болангизнинг соғлиғидан муҳимми?

Азиз ота-оналар! Болангизни шифокор хузурига олиб боришга эринманг. Бир соатлик эътиборингиз кейинчалик йиллаб давом этадиган даволанишларнинг олдини олиши мумкин. Унутманг, давлат шароит яратади, шифокор текширади, аммо фарзандингизнинг тақдири ва соғлиғи учун масъулият барибир сизнинг гарданингизда қолади!

Озода МАМАДАЛИЕВА

Уйғоқ ўй

тувчи дарсни ташлаб, мактаб бўйлаб «антенна» қидириб юради. Нима эмиш, ўқувчини тизимдан рўйхатдан ўтказиш керак. Дарс қолиб кетяпти, болалар қаровсиз, муаллим эса қўлида телефон, ўқувчини юзини камерага тутиш билан банд. Иш фақат дарсда тугаса қанийди...

– Мактабдан кейин-чи? Уйда дарсга тайёргарлик кўрасизми?

– Қайси дарсга тайёргарлик? Кечаси билан «e-maktab» платформасида ота-оналар ролини ижро этаман. Тўғриси айтман, кўп ота-оналар тизимга кириб, фарзандининг баҳосини кўрмайди. Юқоридан эса ота-оналарнинг кириш фоизи паст, деб дашном беришади. Нима қиламиз? Тунда 30 нафар ўқувчининг ота-онаси номидан бирма-бир тизимга кириб чиқаман. Агар 5 та синфга дарс берсам, бу 150 нафар ўқувчи дегани! 150 марта кириб-чиқиш, мавзу ёзиш, баҳолаш... Бармоқларим толиб, кўзим тиниб кетади.

– Бундай чарчоқ дарс сифатига ҳам таъсир қиладими?

– Албатта, таъсир қилади! Ўқитувчи туни билан телефонда база тўлдириб, кундузи мажлис ва Face ID билан овора бўлгандан кейин дарсга қуввати етмайди-ди. Кейин ота-оналар ҳақли равишда: «Мактабда яхши таълим берилмаяпти, болани кўшимча курсларга қўяман», дейишади. Ўқувчилар дарсни ташлаб, пулли марказларга кетишади. Алам қиладигани бунга ҳам ўқитувчи айбдор!

Кўриб турганингиздек, муаллимларни техникага, интернетга ва ZOOM мажлисларига банди қилиб қўйяпмиз. Бу ҳолатда сифат ҳақида қанча гапирмайлик, фойдаси йўқ! Ўқитувчи 150 нафар ота-она номидан «хаёт кечирар» экан, реал таълим жарлик ёқасида қолаверади.

Таълим инсон тақдири, миллатнинг эртанги интеллектуал қиёфасидир. Бир томондан ўқитувчини мажбурий меҳнатдан озод қилдик, деб оламга жар соляпмиз, бошқа томондан эса, уларни рақамли мажбуриятлар ва тадбирбозликларга кўмиб ташляпмиз.

Аслида ўқитувчига стадиондаги галаба эмас – синфхонадаги хотиржамлик керак! Унга «e-maktab»даги бе-нуқсон давомаатдан кўра, китоб варақлаб, ўз устида ишлаши учун вақт ва қувват зарур! Шундай эмасми? Сиз нима дейсиз?

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ХУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР, ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР...».

ПАРВОЗ ПАЙТИДАГИ БУ ОВОЗ КИМГА ЁҚМАЙДИ, ДЕЙСИЗ? «ОСМОН ҚИРОЛИ» БАДИЙ ФИЛЬМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИ САРОЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАҚДИМОТИ ЧОҒИДА ХАМ ХУДДИ ШУНДАЙ ҲОЛАТ КУЗАТИЛДИ: ТОМОШАБИНЛАР ХУШКАЙФИЯТ БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ.

«ОСМОН ҚИРОЛИ»НИНГ ФАЛСАФАСИ



Истеъдодли режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан суратга олинган мазкур фильмда авиация олами ҳақида ҳикоя қилинса-да, аслида инсон қалбининг энг нозик қатламлари очиб берилади. Киноасар марказида учувчиликни касб эмас, тақдир деб билган инсонлар ҳаёти туради. Уларнинг жасорати, фидойилиги, касбига садоқати ва мураккаб руҳий кечинма-

Табиат ҳамма нарсани билади, қаерга қарама ундан ўрганиш учун асос топилади.

Леонардо да Винчи

Тақдимот

лари томошабинга чуқур таъсир қилади. Виждон ва манфаат, орият ва мунофиқлик, юксаклик ва тубанлик ўртасидаги қураш фильм воқеалари давомида таъсирчан бадиий талқинда ифодаланади. Натижада осмон оддий маконга эмас, балки ҳақиқат, эркинлик ва поклик тимсолига айланади.

Фильмнинг асосий ғояси ҳам айнан шунда – ердаги манфаатпарастлик, бюрократия ва сохталик қаршисида осмон фалсафаси туради. Режиссёр ушбу қарама-қаршилиқни рамзий сахналар ва таъсирчан диалоглар орқали очиб берган.

– Ушбу фильм яратилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг муносиб ҳиссаси бор. Агар бу ташкилот кўмаклашмаганида, эҳтимол, у экран юзини кўрмаган бўларди, – деди Жаҳонгир Қосимов.

Фильмда роль ижро этган таниқли актёр Матёқуб Матжонов эса кино санъатининг жамиятдаги маънавий аҳамиятига

алоҳида ургу берди:

– Кино – қимматбаҳо санъат тури. Яхши фильм катта маблагдан ташқари, улкан маъсулият ҳам талаб қилади. Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилса, биз инсонларнинг маънавий ва мафқуравий оламини асрашга ҳамда бойитишга хизмат қилариз. Шу боис ушбу қўллаб-қувватлов биз учун жуда қадрлидир.

«Осмон қироли» ўзбек киносида янги нафас бўла оладиган асарлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Фильм миллий кино санъати ҳануз яшаётгани, изланаётгани ва томошабин қалбига йўл топа олаётганини яна бир бор исботлади.

Тақдимот якунланганда эса кўпчиликнинг ҳаёлида, менимча, битта савол чарх урарди: инсон осмонни забт этадими ёки коинот инсонни тарбиялайди?..

Диёра РАВШАНОВА, Кувонч ТЎРАЕВ(фото), «ISHONCH» мухбирлари

Дилдаги гаплар



ВАҚТ ЎҒРИЛАРИ ёхуд барбод бўлган семинар

Ўтган ҳафта фермерлар семинарида қатнашдим. Айтилган вақтдан 15 дақиқа ўтса ҳамки, тадбир бошланавермади. Ёнимда ўтирганлардан бири шеригига норози гудранди:

– Тўғриси айтмайсизми, соат саккиз яримга судраб келмасдан!

– Ўнда бошланишини ўзим ҳам шу ерда билдим... Беихтиёр суҳбатга аралашдим: «Саккиз яримда келган-мидингиз?». Сўзларим унга оловга мой сепгандек таъсир қилди: «Кеча 8.30 далигини айтишганди, кечикмаслик учун 7 да йўлга чиқибмиз. Бизни бекорчи, деб ўйлашадими, ғаллага ўғит сеппи керак эди...».

Қисқаси, соат 10.20 да йиғилиш бошланди ва вилоят ташкилотларидан бирининг раҳбари сўзга чиқди. Аммо нима учундир у аввал хорижда кечаётган урушлар, сўнг Хитой тараққиёти ва мазкур давлатнинг пахтачиликка оид тажрибалари ҳусусида гапирарди.

Эътиборлиси, тадбир дастурида ушбу мутасаддининг «маъруза»си кўзда тутилмаган, камига, у баён этаётган масалаларнинг семинарга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Қисқаси, ўзимиз ижтимоий тармоқ орқали ҳар қуни хабар топаётган воқеаларга оид «билим»ларимизни қайта эсламоқ учун яна 25 дақиқа сарфлади.

Агар ушбу арбобни кутганимизни ҳам инобатга олсак, у элликка яқин кишининг 45 дақиқасини ўғирлаганди. Қизиги, мутасадди «гап халтаси»ни бўшатиши билан иши кўпчилигини рўқча қилиб, ғунаб қолди. Сўнг фермерларни ўқитмоққа чоғланган пойтахтлик мутахассис сўз олди. Унинг маърузаси жўяли эди.

Аммо йиғилиш бошланишини қарийб 2 соат кутган, бу ҳам етмагандек 25 дақиқа давомида беҳуда гапларни тинглаган фермерлар руҳан чарчаганди. Шу сабабданми, бир неча киши «2 дақиқага ташқарига» чиққанича қайтмади. Йиғилганларнинг бировни эшитмоққа хоҳиши буткул сўнгганини кўрган нотик маърузасини қисқа қилишга уринарди. Кейин «бошқаларнинг вақтини олмаслик» важи билан соат 16 да туташ керак бўлган ўқувни тушлиқни кечиктириш ҳисобига 14 да якунлашни таклиф қилди. Иштирокчилар оч қоринга гап ёқмаслигини билдириб, семинарни 13 да якунлаш фикрини билдиришди.

Балки ҳеч ким маърузачини эшитишни хоҳламагани учундир ёки у ҳам хўжақўрсинга суратга тушиб кетишни режалаштирганими, тадбир фермерлар белгиланган вақтда тугади. Айтганча, охирида қатнашчиларга семинар натижасида уларнинг билим ва малакалари «ошиб-тошиб» кетганлигига оид сертификатлар топширилди.

Аслида Тошкентдан келган мутахассиснинг айтмоқчи бўлганлари давра учун фойдали ангиларди эди. Бироқ ташкилотчиликдаги кемтиклар туфайли қимматли маълумотлар фермерларга етказилмай қолди. Яна шунинг унутмаслик керакки, соатлаб куттириш одамларга нисбатан очикчасига ҳурматсизлиқдир. Бундай муносабатни ҳис қилган киши сизни эшитармиди?

Қолаверса, икки соатлик узлуксиз ва зерикарли маърузадан ниманидир эслаб қолиш қийин. Демокчи бўлганим, мабодо, кимнингдир билим ва тажрибасини оширмоққа бел боғлаган бўлсангиз, аввало, нотиклик маданиятига амал қилинг, бу борадаги илгор ва замонавий технологияларни ўзлаштиринг.

Балки ушбу масала омма эътиборига ҳавола этмоққа арзимаيد, деб ўйларсиз. Аммо журналистик фаолиятим давомида бундай мазмунсиз, «вақт ўғриси» бўлган йиғилишларнинг кўпида қатнашганман ва афсуски, ҳануз қатнашяпман...

Алижон АБДУСАТТОРОВ «ISHONCH»

«БИЗ ТАБИАТНИНГ БИР БЎЛАГИМИЗ»

Ички туризм

Хоразмлик бир гуруҳ ёшлар учун Самарқанд шаҳрига ташкил этилган саяҳат ўзининг мазмун-моҳияти билан алоҳида аҳамият касб этди. Яъни улар фақат тарихий обидаларни томоша қилиш билан чекланиб қолмай, «эко» формати имкониятларидан ҳам фойдаландилар.

Жумладан, Самарқанднинг Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темуր мақбараси каби бетакрор обидаларни зиёрат қилиш билан бирга, шаҳарда экологик муҳитни яхшилаш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар билан ҳам танишдилар. Қадимий шаҳарнинг яшил маконларини сақлаб қолиш, замонавий экологик стандартлар асосида барпо этилаётган дам олиш масканлари ва атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган маҳаллий тажрибалар уларда катта таассурот қолдирди. Тадбир «Биз табиатнинг бир бўлагимиз» деган ҳаётий фалсафани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар ёшларнинг ўз юртига бўлган меҳрини ошириб, янги ижтимоий ва экологик ташаббуслар сари руҳлантириши шубҳасиз.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Кўпинча бозорларда меваларни газеталарга ўраб сотишаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган айрим видеоларда ҳўл меваларни босма нашрларга ўраб, қутиларга жойлаштираётганларни кўриб, қаттиқ афсусланамиз. Чунки бу ҳолат нафақат инсоннинг савдо маданиятини, балки диди, савияси ва соғлиққа муносабатини ҳам намойён этади.

Бундай манзараларни кузатган айрим кишилар «газетада ўқийдиган нарсаси йўқ, шунинг учун у маҳсулот ўрашга ярайди», деган юзаки хулосага келишади. Ваҳоланки, газетанинг қадрини тушираётган нашр эмас, ундан нотўғри фойдаланаётган инсоннинг ўзи эканини унутиб қўйишади. Янада қизиги, газетани ерга ураётганларнинг баъзилари қачон уни варақлаганини эслай ҳам олмайдилар.

Аслида қоғоз маҳсулотлардан иккиламчи мақсадда фойдаланиш табиий ҳол. Лекин ҳар қандай қоғозни озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса, ҳўл меваларга ўраш мутлақо тўғри эмас. Чунки босмаҳона бўёқлари таркибида инсон саломатлиги учун зарарли кимёвий моддалар бўлиши мумкин. Ҳўл мева эса ташқи муҳитдаги моддаларни ўзига тез сингдиради. Демак, газетадаги бўёқ ҳиди ва кимёвий таъсир мева сифатига, ҳатто инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Масаланинг яна бир муҳим

жиҳати – бу ташқи маданият ва миллий имиж масаласи. Ривожланган давлатларда маҳсулотлар махсус санитария талабларига жавоб берадиган қадокларда сақланади ва ташилади. Ҳатто энг арзон маҳсулот ҳам махсус ўрам ёки қадокка жойланади. Бизда эса баъзан меваларни хорижий бозорга газеталарга ўраб чиқарилиши ҳали ҳам учраб турибди. Бу эса харидорда нохуш таассурот уйғотади, миллий маҳсулотларимизга бўлган ишонч ва қизиқишни сўндиради.

Газетанинг ўқилиши ёки ўқилмаслиги уни маҳсулот ўраш воситасига айлантиришга асос бўлолмайди. Аксинча, уни мутолаа қилиб

бўлгач, агар керак бўлмаса, қайта ишлаш учун макулатурага топшириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан тўғри йўлди.

Энг муҳими, савдо маданияти ҳар бир халқнинг маданий савиясини кўрсатади. Маҳсулотни қандай тақдим этиш ҳам унинг сифати каби муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бозорларда маҳсулотларни газеталарга ўраб сотиш каби эски ва зарарли одатлардан воз кечиш вақти аллақачон келган, деб ўйлайман.

Чори ЛАТИПОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Дам ганимат, дўстлар, дийдор ганимат, дўстлар, Ҳар нафас қадри биланг метёр ганимат, дўстлар, Очкай ул аъмо кўзинг ағёр ганимат, дўстлар, Пиру устод акрабо гамхор ганимат, дўстлар, Ёр ганимат, дўстлар, дийдор ганимат, дўстлар, Ҳамнишини-ҳамдам билан дунё ганимат, дўстлар.

Комилжон Отаниёзов сўзи

Марокки дам олинг, азиз газетхон!

Ортиқ ОТАЖОНОВ ижросида

«ДАМ ҒАНИМАТ ДЎСТЛАР»

ҚЎШИҒИ

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2020-5000

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALIMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURDOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-99) 688-90-27

Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-99) 193-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

Navbatchi muharrir: G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 22:00

Topshirildi – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 228 ta

Shundan: 6 556 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 471 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 201 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-511**

1 2 3 4 5 6